ЎЗБЕК ТИЛИ 5-синф 5-вариант

1. Сифат сўз туркумининг саволлари тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.
А) Қандай? Қанақа? Б) Ким? Нима?
В) Қаер? Қачон? Г) Нима қилди? Нима қилмоқчи?
Д) Қандай? Нима?

2. Антоним сифатлар иштирок этган гапни аниқланг.
А) Ўйламай қилинган иш, бошга келтирар ташвиш. Б) Иш суръати тобора жадаллашмокда
В) Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутма Г) Унинг ўзи ёш, иши эса пухта эди.
Д) Яхши дам меҳнатга ҳамдам.

3. Сифат қатнашган гапни аниқланг.
А) Саида тез-тез хабар олиб турди. Б) Чиройли ва хатосиз ёз!
В) Гулистонга бормоқчимиз. Г) Далада ҳашарчилар бор эди.
Д) Умида гулзор оралади.

4. Сифат қатнашган гапни аниқланг
А) Боғда ҳашарчилар ишлаётган эдилар. Б) Самида гулзор оралаб гуллар терди.
В) Шохида тез-тез босиб кетди. Г) Саёҳатга бормоқчимиз.
Д) Яхши билсанг ишингни, Яхшилар силар бошингни.

5. **Озайтирма сифатлар қатнашган гапни аниқланг.**
А) Сарғимтир ва кўкиш барглар сув юзини қоплаган.
Б) Тим қора сочи ўзига жуда ярашади. В) Катта майдон кўринди.
Г) Тўғри одам эгри сўздан ор қилади. Д) Ёлғон гапириш мумкин эмас.

6. **Орттирма даражадаги сифатлар қайси ўринда жойлашган.**
А) Қоп-қора, энг баланд. Б) Куюнчак, сезгир.
В) Билағон, ширин. Г) Оғирроқ, ним ранг. Д) Қорамтир, сарғиш.

7. Кучайтирма сифатларни аниқланг.
А) Мовий, сарғиш, улкан. Б) Қоп-қора, бут-бутун,кўм-кўк.
В) Ширин, нордон, аччиқ. Г) Салқин, нафис, қийғос. Д) Оқиш, кулранг, мовий.

8. ***-ли,-дор, сер-, -сиз, , ба-, бе-, -лик*** **қандай қўшимчалар?**
А) От ясавчи Б) Сифат ясовчи
В) Сон ясовчи Г) Феъл ясовчи Д) Равиш ясовчи.

9. Маза-таъм билдирувчи сифатларни аниқланг.
А) Оқ, қизил, нордон. Б) Аччиқ, сариқ, кўкимтир.
В) Нордон, тахир, шўр. Г) Шўх, содда, оддий. Д) Кўк, яшил, хуштаъм.

10. Отдан сифат ясовчи қўшимчаларнит аниқланг.
А) –ла, -гич, -оқ, -да. Б) –ди, -сиз, сер, -симон.
В) –иш, -зор, -истон, -а. Г) –дай, -қич, -хон. Д) –лоқ, -чоқ, -қ.

Баллни баҳога айлантириш шкаласи

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириклрнинг миқдори - 10

баллари	баҳо
0-3	**«2»**
4-5	**«3»**
6-7	**«4»**
8-10	**«5»**